

АНТОНИМ СЕМАЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

ф.ф.ф.д. (PhD) Феруза Жумаева

Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Антоним лексемалар, семемалар, семалар матн мазмунини бойитувчи асосий воситалардан биридир. Улар матнда маъновий қаршилантириш (антитета)ни ҳосил қиласди. Антитета матндаги лексик, грамматик бирликларнинг семантик, прагматик имкониятларини кенгайтиради. Айниқса, маънодош сўзларни семантик қаршилантириш асосида хилма-хил нутқий актларни яратиш мумкин бўлади. М., Эркин Воҳидовнинг “Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса” шеърида *бош, калла* синонимлари қарама-қарши маънода қўлланилади:

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,

Олтин бошининг калла бўлгани шудир.

Маълумки, *калла* сўзи *бош* сўзига коннотатив семалари асосида зидланади. Прагматик жиҳатдан эса *бош* сўзининг “ақлли”, “тириклиқ” каби семалари *калла* лексемасининг “ақлсиз”, “ўлик” семаларига антоним бўлади. Шоир синоним лексемалардаги антоним семалардан маҳорат билан фойданиб шеърнинг мазмунидорлигини оширишга эришган.

Антитета лексемалар, семемалар, семалар доирасида кузатилади. М.:

1. Антоним лексемалар доирасидаги зидликка қуйидаги мисолни келтириш мумкин: *Най туз учун истар ани аҳли ҳол, Чун туз эмас, эгри кўрап гўшимол* (Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр) мисраларида *туз-эгри* лексемаларининг антонимлиги кузатилади. Маъноси: Най тўғри бўлгани учун сўфийлар уни яхши кўришади; тўғри бўлмасдан эгри бўлса, танбех учун кулоги буралади.

2. Антоним семемалар доирасида воқеланади. М.: *Йўл неча туз, йўлчига мақсад қариб, Хамлигидин туписа йироқ йўқ ажисб* (Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр) мисраларида *туз-хам* лексемалари ҳосила семемада антоним бўлган. Маъноси: Йўл қанча тўғри бўлса, мақсад шунча яқин, йўл эгри бўлса, мақсад узоқлашганига ажабланиш ўринсиз.

3. Антоним семалар доирасида юзага келади. М.: *Найза бўлиб тузлугидин сарбаланд*, Чирмош учун бандга қолиб каманд (Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр) мисраларида *найза* лексемаси “тўғри”, *каманд* лексемаси “эгри” семасини англатади. *Найза* ва *каманд* лексемалари антоним семали полисемем лексемалардир.

Антитеза бирикмалар доирасида ҳам воқеланади. Сўз бирикмаси доирасида юзага чиқадиган антитетани қуидаги мисраларда кузатиш мумкин: *Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт*, *Рўзгоримдек ҳам ўлганда қоронгү келмади*. (Алишер Навоий) Мазмуни: оразига ўхшаб ойдин бўлган пайтда ўзини эҳтиёт қилди. Рўзгоримга ўхшаб қоронғу бўлган пайтда ҳам келмади. Мисралардаги *оразидек ойдин*, *рўзгоримдек қоронгү* бирикмаларининг таркибидаги лексемалар синоним семаларга эга. Бу синонимлик орқали юзага чиққан классемалар антоним бўлган. *Оразидек ойдин* бирикмасида “ок” классемаси, *рўзгоримдек қоронгү* бирикмасида эса “қора” классемаси ифодаланмоқда. Синоним ва антоним семалар шеърнинг коммуникатив ва экспрессив хусусиятини оширган¹.

Полисемем лексемаларнинг тўнгич (бош) маъносидаги зидланиш антоним лексемаларни, ҳосила, кўчма маъноларидағи зидланишлар эса антоним семемаларни ҳосил қилади. Антоним семемалар контекстуал антонимлар сифатида ҳам таҳлил этилади. Контекстуал антонимлар бадиий матнда антитетани ҳосил қилувчи асосий воситалардан биридир.

Лексик маъноси ҳар хил ёки бир хил бўлган лексемалар муайян семасига кўра зидланади. Бундай қарама-қаршилик окказионал антонимлар сифатида антитетани ҳосил қилади. Бундай антонимлар муаллифнинг ўзига хос топилмалари сифатида ўқувчининг диққатини тортади ва матн мазмунини кенгайтиради. М., Эркин Воҳидовнинг “Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса” шеърида *пайтава, салла сўзлари* зид маънода қўлланилади:

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,

¹ Ф. Жумаева Полисемем лексемалар доирасидаги синоним ва антоним семалар тадқиқи. Монография. – Тошкент: Qaqnus Mediya. 2019. –Б 122.

Алдангани, алла бўлгани шудир.

Юлгич азиз бўлиб, билгич хор бўлса,

Пайтаванинг салла бўлгани шудир.

Ушбу мисраларда *салла*, *пайтава* сўзларига хос “бош-оёқ”, “юқори-куйи” каби семалар антоним бўлган. “Пайтаванинг салла бўлгани шудир” жумласи “оёқ ости бўлмоқ” иборасини эслатади.

Антоним семалар нутқнинг таъсирчанлигини оширади. Оксюморонни ҳам юзага келтиради:

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,

Дод демоққа палла бўлгани шудир.

Маърифатдан айру ўйнаса, кулса,

Аза чоғи ялла бўлгани шудир. (Эркин Воҳидов)

Ушбу мисралардаги “Аза чоғи ялла” боғланиши оксиоморонни ҳосил қилган. Бу боғланиш орқали ҳосил бўлган антоним семалар бир қанча нутқий актларни яратишга ёрдам беради.

Хуллас, матн мазмунини ёритиш, бадиий тасвирни бойитиш, нутқий актларнинг миқдорини ошириш, ижодкорнинг ёки асар қаҳрамонларининг субъектив ва объектив муносабатларини акс эттириш лисоний бирликларнинг асосий вазифасидир. Айниқса, антоним, синоним семалар лингвопоэтик имкониятларга бой бўлган нутқ бирликларидир. Уларнинг потенциал семалар доирасида воқеланиши бадиий матннинг мазмундорлигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Миртоҗиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: Mumtoz so’z, 2010. – 284 б.
2. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. –Тошкент: Фан, 2008. – 160 б.
3. Ф. Жумаева Полисемем лексемалар доирасидаги синоним ва антоним семалар тадқиқи. Монография. – Тошкент: Qaqnus Mediya. 2019. - 136 б.

